

Излаганимни топдим



13:00 / 29.11.2021 3778

Отатурк инқилобидан сўнг Усманийлар оиласини уй кийимлари билан Европага сургун қилишди.

Султоннинг фарзандлари, хотини ёлворишди:

- Бизга Шом, Иордания ёки Мисрга кетишга изн беринг. Бизни Европага жўнатманг!

Аmmo Ғарбнинг таълимоти очиқ-ойдин улардан интиқом олиш, уларни хорлаш эди. Уларнинг баъзисини яҳудийлар макони бўлмиш Салоникига, баъзисини Европага сургун қилишди. Усманийларнинг охириги султони султон Ваҳидуддинни (Халифа Абдулҳамиддан сўнг Абдулмажид-2 ва Ваҳидуддинлар озгина вақт тахтда ўтиришган) хотини билан кечаси Францияга сургун қилишди. Бутун моли ва эгалик қилган нарсаларини мусодара қилишди. Уларни бир чақасиз уй кийимлари билан чиқариб юборишди. Султон Ваҳидуддиннинг ўғиллари Парижда юзларини беркитиб тиланчилик қилиб юришар эди.

Султон Ваҳидуддин вафот этгач Франция черкови унинг жасадини бермади. Сабаби, унинг дўконлардан, бозорлардан қарзи кўпайиб кетган

эди. Мусулмонлар пул йиғишиб унинг қарзларини тўлашди ва черковдан жасадни олишди ва Шомга жўнатиб ўша ерда дафн қилишди.

Улар ҳақида биринчи бўлиб Туркия бош вазири Аднон Мандарас суриштирди ва Францияга борди. У: «Менинг оталарим-оналарим қаерда?», деб суриштирар эди. Охири Париждаги бир кичкина қишлоққа борди. У ерда бир корхонада халифа Абдулҳамиднинг завжаси Шафиқа хоним (85 ёш) ва қизи Оиша хоним(60 ёш) лар арзимаган пул эвазига идиш-товоқ ювишар эди. Мандарас йиғлаб уларнинг қўлларини ўпа бошлади. Оиша хоним уни танимай: «Сен кимсан?»-дея сўради. Мандарас Туркия бош вазири эканини айтгач унинг қўлларидаги идишлари ерга тушиб кетди ва: «Қаерда эдинг, жуда кечикдинг», деди ва ҳушидан кетиб йиқилди.

Аднон Мандарас ҳукуматни уларни Туркияга олиб келишга минг азоб билан кўндирди. Ҳукумат фақат аёлларни олиб келишга рухсат берди. Абдулҳамид ва Ваҳидуддиннинг ўғилларини Нажмиддин Эрбакан ўзининг даврида авф ҳақида қарор чиқариб Туркияга олиб келди.

Мандарасни маҳкамага тортган масалалар ичида унга давлат мулкани ўғирлаб Усманийлар оиласига сарфлаганлик айби ҳам бор эди.

Чунки Мандарас ҳайит байрамларида уларни зиёрат қилиб ўзининг маоши, шахсий мулкидан уларни таъминотини қилиб турар эди.

1961 йил июль ойида Мандарасни дорга ошишди. Айна шу ойда Абдулҳамиднинг аёли ва қизини жойнамоз устида жасадини топишди. Мана шу — ғарбнинг башараси...

Интернет манбалари асосида Хуршид Маъруф тайёрлади